

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ КАФЕДРАСИ



Ш.А.Маннонов номли
“ЁШ БУХГАЛТЕРЛАР КЛУБИ”
талабалар илмий жамияти



Устоз *Раҳмон Раджапов*
хотирасига бағишланади

**“АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН
ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ
АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ, АУДИТ, ТАҲЛИЛ ВА
МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

мавзусидаги илмий-амалий конференцияси

маъруза тезислари тўплами
7 май 2014 йил

Тошкент – 2014

“Аграр соҳада инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида бошқарув тизимининг ахборот таъминоти, аудит, таҳлил ва молия-кредит механизмни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси (2014 йил 7 май). Маъруза тезислари тўплами/ Тошкент – 2014. Б. 201.

Устоз **Рахмон Раджапов** хотирасига бағишланади

Таҳрир ҳайъати:

Р.Д.Дусмуратов (бош муҳаррир), Б.Ю.Менгликулов (бош муҳаррир ўринбосари), Д.У.Мамадияров, Б.М.Джураев, Н.Р.Рахмонов, И.Р.Давлетов, А.С.Болтаев, У.И.Тўлаев, Г.Б.Турсункулова, У.Х.Урманова А.У.Вафоев.

Ушбу илмий-амалий конференцияси тўплами ҚХА-2-024 “Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” амалий лойиҳа ва ҚХИ-1-010-2013 “Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида айланма капитални бошқаришнинг ахборот таъминоти ва аудити методологияси ҳамда фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш” инновацион лойиҳалар доирасида тайёрланди.

Ушбу конференция материаллари тўпламига киритилган маъруза тезисларининг мазмуни учун нашриёт ва таъкилий қўмита жавобгар эмас. Маъруза тезислари муаллифларнинг матни асосида chop этилган.

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Сулайманов Б.А. ТошДАУ ректори, профессор</i> Сўзбоши ўрнида	3
--	---

I-ШЎБА.

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ЮРИТИШ ҲАМДА УНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР

Дусмуратов Р.Д., Рахмонов Р.Н. (ТошДАУ) Назария ва амалиёт уйғунлиги инновация фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим омилли	4
Болтаев А.С., Абдуллаева М. (ТошДАУ) Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий – ҳуқуқий жиҳатлари	8
Урманова У.Х. (ТошДАУ) Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бюджетлаштиришнинг хусусиятлари	11
Турсункулова Г.Б., Ибрагимов М (Тош ДАУ) Сабзавотчилик харажатларини ҳисоблаш ва маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш тартиби	13
Юлдашов Ш. К. (ТошДАУ) Иқтисодий инновациялар – жамиятдаги ўзгаришларнинг асоси ...	16
Пак Т.Г., Амонова Н., Хайдаралиева Ш. (ТашГАУ) Инновации в бухгалтерском учёте	19
Сафарова Р.Н., Бабаджанов Ж (ТашГАУ) Пути совершенствования безналичных расчетов	22
Эргашева Ш.Т. (ТДИУ) Сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари	24
Шодиев М.Б. (ТошДШИ) Корхоналар фаолиятини бюджетлаштиришнинг асосий босқичлари	28
Давлетов И.Р., Матчанов М. (ТошДАУ) Корхона логотипини яратиш харажатларини ҳисобда акс эттириш	29
Аликулов А.И. (СамҚХИ) Харажатларнинг бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари	33
Давлетов И.Р. (ТошДАУ) ЭХМ дастурларини номоддий актив сифатида тан олиш	36
Мадиев А, Жандуллаев Т (ТошДАУ) Устав капиталини шакллантириш ва ҳисобга олиш масалалари	41

Хотамов К.Р., Равшанова О.И. (Солиқ академияси)	
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ва уни корхоналарда ҳисобини юритиш тартиби	43
Бабаджанов Ж.М. (ТашГАУ)	
Некоторые вопросы совершенствование бухгалтерского учета в соответствии с МСФО	46
Умарходжаева Д. (ТошДАУ)	
Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва функциялари	49
Дусмуратова Ш.К. (ТошДАУ)	
Инновация фаолиятининг моҳияти ва асосий мезонлари	52

И ШЎЪБА.

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ, МОЛИЯВИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ

Менгликулов Б.Ю., Нуриллаев Т.Ш. (ТошДАУ)	
Аграр соҳада кооперацияни ривожлантиришнинг аҳамияти.	55
Менгликулов Б.Ю. (ТошДАУ)	
Қишлоқ хўжалигида кооперациялашувнинг мазмуни ва зарурати ..	57
Болтаев А.С., Юлдашов Ш.К. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришга таъсир этувчи омиллар таҳлили	59
Джуроев Б.М., Ильмуратов Ш.М. (ТошДАУ)	
Чорвачилик хўжаликларида капитал айланувчанлиги таҳлили	62
Саидакбаров Д.Х. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари	65
Рустамбекова Ш.У. (ТашГАУ)	
Пути дальнейшего развития многопрофильного фермерства на основе предпринимательства на селе	67
Газиянц Э.И. (ТашГАУ)	
Модернизация фермерских хозяйств и повышение уровня квалификации сельских трудовых ресурсов	70
Саидакбаров Х.Х., Мамиров С. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этиш	73
Хўжанасов Х., Аслонов Н., Менгликулов Б.Ю. (ТошДАУ)	
Хўжалик юритувчи субъектларда баланс ликвидлигини таъминлаш	76
Тургунов.Т.Т., Мусамухамедова М.М. (ТошДАУ)	
Математик моделлаштириш фанида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини математик - статистик таҳлил этишнинг услубий асослари	79

Ҳасанова С., Ботиров Ж. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликлари ва уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни	82
Джураев Б.М., Мустафаев С.А. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида айланма капиталдан самарали фойдаланиш йўллари	84
Турсунов Ш.А., Багирова Х.Р. (ТошДАУ)	
Молиявий натижалар таҳлилида индекс усулидан фойдаланиш	86
Хўжамурадова С.И. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида ахборот таъминотини яхшилашнинг ташкилий-услубий жиҳатлари	89
Назаров Х.Н. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари	92
Мамадияров Д.У. (ТошДАУ)	
Чорва молларининг бош сони ва маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари.	95
Эшмурадов У.Т. (СамҚХИ)	
Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш ҳисобини такомиллаштириш	100
Ибрагимов У.Н. (СамҚХИ)	
Фермер хўжаликларида меҳнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисобини такомиллаштириш	103
Инобатов А. Б. (ТошДАУ)	
Фермер хўжалигини ривожланиши ва самарадорлиги ўзгариши тенденциялари	106
Азизкулов Б.Х. (ҚХИИТИ), Холмухамедова З.Б. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий изланишлар жараёнини бошқариш	110
Тошбоев А.Ж. (ТошДАУ), Бобобеков В., Тошбоева Н.А. (ТИМИ)	
Фермер хўжалиги фаолиятини самарали бошқариш йўллари	112
Азизкулов Б.Х. (ҚХИИТИ), Холмухамедова З.Б. (ТошДАУ)	
Фермер хўжаликларида маркетинг фаолиятини стратегик режалаштириш	117
Мамадияров Д.У., Умарходжаева Д (ТошДАУ)	
Чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини аниқлашда бошқарув таҳлилининг аҳамияти	120
Мамадияров Д.У., Асадов О (ТошДАУ)	
Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар	124

Пулатова Р.Х., Акрамов А., Сайдиумаров О. (ТошДАУ)	
Интенсив боғдорчилик соҳасида фермер хўжаликлари ихтисослашувини чуқурлаштириш	126
Ҳотамов К.Р. (Банк-молия академияси), Сахатов Ф.О. (Солиқ академияси)	
Фермер хўжаликларида солиқлар ҳисобини юритиш масалалари . . .	129

III ШЎЪБА.

ЎЗБЕКИСТОНДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ ҲАМДА АУДИТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ (АХС-IAS) ГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тўраев А.Н., Рахмонов Ш.Ш. (ТМИ)	
Фермер хўжаликларида ички аудит хизматини ривожлантириш . . .	133
Шамшетов А.С. (ТошДАУ Нукус филиали)	
Молиявий фаолият аудитининг хусусиятлари	135
Айтимбетов А.К. (ТошДАУ)	
Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот аудитининг айрим хусусиятлари	141
Тохиров Ш.Ю. (ТошДАУ)	
Инвестицион ва инновацион фаолият аудит объекти сифатида	144
Юсупов Л. (ТошДАУ)	
Ички аудитнинг ташкилий жихатлари	146

IV ШЎЪБА.

АГРАР СОҲА КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саидова К.Ф. (ТошДАУ) О.Турдиева – (ТошДАУ, Нукус филиали)	
Кредит қобилиятини баҳолашнинг соддалаштирилган услуби	149
Vafoev A.U., Xidirov J.Q. (ToshDAU)	
Soliq tizmida soliq imtiyozlarining o'rni	151
Болтаев А.С., Найимова Д. (ТошДАУ)	
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг моҳияти ҳамда уларнинг давлат бюджетида тутган ўрни	153
Ахмедов Т.Х. (ТашГАУ)	
Финансирование аграрного сектора экономики - главный фактор повышения эффективности фермерских и дехканских хозяйств Республики Узбекистан	156

Норалиев.Н.Х., Юсупова Ф.Э., Хайдаралиева Ш. Н. (ТошДАУ)	
Интернет орқали масофавий банк хизматлари	158
Хасанова С.М., Турдиева М.Н. (ТошДАУ)	
Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар	161
Нигмаджанов У.Х., Исроилова Ш.Н. (ТИМИ)	
Янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватланиши	164
Сиддиқов З.Т., Турдиева М.Н., Давлатов С.А. (ТошДАУ)	
Аграр соҳани молиялаштиришнинг айрим жиҳатлари	166
Халиков С.Р., Тошбоев А.Ж., Худойназаров О.Р. (ТошДАУ)	
Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда инвестиция фаолиятини такмиллаштириш йўллари	168
Халиков С.Р., Худойназаров О.Р. (ТошДАУ)	
Аграр соҳанинг инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимини такмиллаштириш	170
Бахриддинов А.Р. (ЎЗБИИТИ)	
Пиллачиликда моддий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш йўллари	172
Жўраев Ф.М., Очилов М.У., Бўриев Э.Ш. (ТошДАУ)	
Аграр тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини тавсифловчи асосий белгилар	176
Файзиев А.А., Ражабов Б., Ражабова Л (ТошДАУ)	
Дифференциал тенгламаларни социал-иқтисодий масалаларни ечишга қўлланилиши	179
Муратов А., Сиддиқов З. Азимов Р. (ТашГАУ)	
Стимулирование повышения плодородия земли в Узбекистане с учетом мирового опыта	182
Рустамов Д., Султонова Г. (ТошДАУ)	
Кичик бизнес – тараққиётимизнинг муҳим омили	186
Байжанов С., Бекаева М.Е. (Бердақ номидаги ҚДУ)	
Айланма капитални ташкил этишга доир тезкор тадбирлар	191
Джураев М.Я. (ТошДАУ)	
Кредит қобилиятини баҳолашга ёндашувлар	196
Тошбоев А.Ж. (ТошДАУ), Бобобеков В. (ТИМИ)	
Қишлоқ хўжалиги бошқарувида кадрлар сиёсати ва уни бошқариш йўллари	199

ЯНГИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Нигмаджанов У.Х. - профессор
Исроилова Ш.Н. - талаба
Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган корхоналар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари таъсирида доимий равишда молиявий маблағларга эҳтиёж сезадилар. Чунки экинларни экиш ва парваришlash даври узоқ давом этиб, ҳосилни йиғиб олгунга қадар пул тушуми бўлмайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун айланма маблағларни шакллантиришга маблағ излашни талаб этади. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «Таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий қонунлар ҳаракати доимий равишда табиий қонунлар ҳаракатига тўқнаш келади. Устига-устак, қишлоқ хўжалигида маблағларнинг айланиш муддати бошқа тармоқлардагига нисбатан узоқ»⁴³ дир.

Қишлоқ хўжалигининг мавсумий характери ва бу билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари йил мобайнида амалга оширилиши, унинг натижалари эса йил якунида қўлга киритилиши хўжаликлар маблағлари айланиш даврининг чўзилиб кетишига сабаб бўлади. Бу объектив тарзда қишлоқ хўжалиги корхоналари айланма маблағларининг етишмаслигига олиб келади. Шу мақсадда бутунги кунда қишлоқ хўжалигида ислохотлар янги бир поғонада ўтказилмоқдаки, тармоқни молиялаштириш мақсадида банк кредити босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари деҳқон ва фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятлари учун зарур маблағларни тўлдиришга 2 йилдан кам бўлмаган муддатга банк кредитлари берилиши. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва хорижий валютада микрокредитлаш тартиби» ҳамда «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва хорижий валютада микрокредитлаш тартиби»⁴⁴ ни келтириш мумкин.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. 2003. 24 март. 3226-сон.

⁴⁴ «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд харажатлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги кунда ҳуқуқий мақомга эга бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларига миллий ва хорижий валютада (Марказий банк курси бўйича) 10 минг АҚШ доллари, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига эса 5 минг АҚШ долларигача ҳажмда эквивалент миқдорида микрокредитлар берилмоқда. Энг асосийси, банк томонидан берилаётган микрокредитларнинг ярмини, яъни 50 фоизини деҳқон ва фермер хўжаликлари ўзларининг лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида зарур айланма воситаларни сотиб олиш учун нақд пул шаклида олишлари мумкин.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари ва ҳуқуқий шахс мақомини олган деҳқон хўжаликлари ўз фаолиятини бошлаш учун «Микрокредитбанк» ва «Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» кредит линиялари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 300 баробари миқдорида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмига тенг, яъни йиллик 2,67 фоиз устама ҳисобидан бошланғич сармояни шакллантиришга 2 йил муддатга, ҳисобланган фоиз тўловини 12 ойга кечиктирган ҳолда кредитлар олиш имкониятига эгадирлар. Бундай вазият янги ташкил этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳеч бир қийинчиликсиз фаолиятларини бошлаш имкониятини беради.

- юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача бўлган миқдорда;

- юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган микрофирмаларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача бўлган миқдорда;

- фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача бўлган миқдорда;

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредит бошланғич (старт) сармоясини шакллантириш учун улар кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида буюртма такдим этилганда йиллик 3 фоизлик устама бўйича 18 ойгача бўлган муддатга берилади.

Бизнесни ривожлантиришга (кенгайтиришга) ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига:

- миқдори -энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда;

- муддати - 24 ой муддатгача;

- фоизи – Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкасида (йиллик 6 фоиз ставкада) олиши мумкин.

Фермер хўжаликларига хорижий валютада ҳам микрокредитлар ва кредитлар олиш учун қулай шароитлар яратилган. Бундай кредитлар тижорат банклари томонидан ўзларининг ва жалб қилинган кредит ресурслари, хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан ажратилади. Бу кредитлар асосан, ўз ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш воситалари импортига берилади.

АГРАР СОҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Сиддиқов З.Т. - доцент

Турдиева М.Н., Давлатов С.А. – магистратура талабаси
Тошкент давлат аграр университети

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, республикаимизда ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларига молиявий ёрдам бериш ва самарали фаолият олиб бориш учун кўмак бериш мақсадида давлат бюджетидан субсидиялар бериб келинмоқда. Мисол учун қуйида:



Расм 1. Фермер хўжаликларига давлат бюджетидан берилаётган субсидиялар тўғрисида маълумот⁴⁵.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан ҳам ҳар йили маблағлар ажратиб келинмоқда (жадвал).

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йилги маълумотлари.